

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 130 (652), 2022 йил 1 июль, жума

www.yuz.uz f yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

АЗМУ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАРИМИЗ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИДИР



ШИЖОАТЛИ ВА БИЛИМЛИ ЁШЛАР — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

30 июнь — Ёшлар куни. Янги Ўзбекистонда келажакимиз бунёдкорлари бўлмиш ёш авлодни қўллаб-қувватлаш мақсадида эълон қилинган шукуҳли байрам.

Бундан роппа-роса беш йил муқаддам Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар ҳаракати қурултойида қатнашиб, 30 июнь санасини мамлакатимизда Ёшлар куни, деб эълон қилишни тақлиф этган эди. Шундан буён ушбу сана юртимизда қатта байрам сифатида нишонлаб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан “Янги Ўзбекистон” боғида ташкил этилган байрамга ташриф буюрди.

Бу ерда Амир Темура, Мирзо Улуғбек, Ал-Хоразмий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Жалололдин Манғуберди номидаги павильонлар ташкил этилган. Уларда ёшларнинг илм-фан, ижод, спорт ва санъат соҳаларида эришган ютуқлари ифодаланган.

Давлатимиз раҳбари ушбу кўрғазмалар буйлаб юриб, уларни кўздан кечирди. Ёшлар билан суҳбатлашди.

— Бугунги ёшларимизнинг билими, ҳаракатлари мени чексиз қувонтиради. Аспиди шундай бўлиши ҳам керак. Чунки танангизда буюк боболарнинг қони оқяпти. Тарихимиз ўттиз бир йиллик эмас, уч минг йиллик. Аждодларимиз икита ренессансга асос солган. Энди биз Учинчи Ренессанс пойдеворини қурмоқчимиз. Кимга ишониб? Сизларга ишониб.

Энг катта заминимиз таълим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Боғда Беш ташаббус олимпиадаси натижалари ҳам намойиш этилди. Маълумки, ушбу мусобақалар Ўзбекистон Президентининг шу йил 11 апрелдаги қарорига мувофиқ йўлга қўйилди. Унинг маҳалла, сектор, туман, шаҳар, вилоят ва республика босқичларида 6 миллиондан зиёд ўғил-қизлар қатнашди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Бўзатов туманида бўлиб ўтган “Ёшлар овози” танлови санъат йўналишидаги истеъдодларни кашф этди. Президентимиз ушбу танлов ғолиблари билан суҳбатлашиб, уларга муваффақият тилади.

Мамлакатимизда ёшлар сиёсатида устувор аҳамият қаратилмоқда. Бу борада алоҳида давлат ташкилоти — Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилган. Жорий йилдан маҳаллаларда 9 минг 500 нафар ёшлар етакчиси фаолият бошлади.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЁШЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Қадри ёшлар, азиз фарзандларим! Аввало, барча Янги Ўзбекистон ёшларини бугунги кўнглик байрам — Ёшлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Албатта, сизлар билан учрашиш, кўнглингиздаги эзгу орзу ва режаларингиз билан ўртоқлашиш, тақлиф ва ташаббусларингиз ҳақида эшитиш менга доимо қувонч ва ғурур бағишлайди.

Сизларнинг шижоат ва интилишингизни кўриб, ёниб турган кўзларингизга боқиб, ўзимга битмас-туганмас куч оламан.

Хозиргина Президент ва ижод мактаблари ўқувчилари, Янги Ўзбекистон университети талабалари, ёш олим ва ижодкорлар, IT дастурчилар, спортчи ва тадбиркорлар билан мулоқот қилдим. Бугунги ёшларимизнинг салоҳияти, дунёқараши, билдирган тақлиф ва

ташаббуслари, мустақил фикрлаши, келажак ва Ватан ҳақида, ўзининг жамиятдаги ўрни ва масъулияти ҳақидаги қарашлари барча ота-оналар, устоз-мурабийлар қаторида мени ҳам чексиз қувонтиради.

Азиз фарзандларим! Дунёдаги мурақаб вазиятни ўзингиз кўриб турибсиз. Ҳар куни янги хавф-хатарлар ва ташвишларга дуч келяпмиз. Бундай вазиятларда халқимизнинг иродаси ва матонатига таяниб, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни топиш учун биргалликда интилимқодамиз.

Меҳнатқаш ва бағрикенг, олижаноб халқимиз, сиздек билимли, фаол ва шижоатли ўғил-қизларим бор экан, биз ҳар қандай қийинчиликларни албатта енгиб ўтаемиз.

Хурматли ёшлар!

Хабарингиз бор, биз мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратдик. Маҳаллаларда 9,5 минг ёшлар етакчилари ўз фаолиятини бошлади.

Хозирга қадар “Ёшлар дафтари”га киритилган 700 мингдан ортиқ йигит-қизларнинг муаммоларини ҳал этишга 650 миллиард сўм йўналтирилди.

Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш устувор йўналишга айланди. Сўнгги икки йилда 174 минг нафар ёшнинг тадбиркорлик лойиҳалари учун 4 триллион 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар йўналтирилди.

Деҳқончилик билан шуғулланиш истагида бўлган 560 минг тенгдошингизга жорий йилда 155 минг гектар ер майдони ажратишиб, 800 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, ёшларни ишга олган тадбиркорлар-

га ижтимоий солиқ суммасини қайтариш тартиби жорий этилди ва бу имкониятдан 715 минг нафар ёшлар ишлаётган 7,5 минг корхона фойдаланди.

Албатта, таълим сифатини ошириш бўйича ҳам катта-катта қадамлар қўйилмоқда. Бу борада Янги Ўзбекистоннинг янги мактаблари — Президент, ижод ва ихтисослашган мактаблар кўлами кенгайиб, уларда таҳсил олаётган ўқувчилар юқори натижаларга эришмоқда.

Ўтган ўқув йилида биргина Президент мактабларини битирган 424 нафар ўғил-қизларнинг барчаси олий таълим муассасаларига қабул қилинди. Уларнинг 102 нафари ёки 24 фоизи хориждаги етакчи олий таълим муассасаларида ўқиётгани таҳсинга сазовордир.

Сўнгги икки йилда 400 нафар ёшларимиз “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали чет эллардаги энг нуфузли олийгоҳларда ўқишга юборилди.

Мисол учун, тошкентлик Ламия Худоёрова — Оксфорд университетига, бухоролик Расулбек Баҳоидинов — Лондон университетига, самарқандлик Нилуфархон Рўзиева — Чикаго университетига ўқишга қабул қилинди. Бундай йигит-қизлар ҳар бир вилоятда кўплаб топилди.

Иқтидорли ёшларимиз кейинги бир йил ичида халқро фан олимпиадаларида 255 та медални қўлга киритди.

Шу билан бирга, жорий йилда 382 нафар спортчи ёшларимиз нуфузли халқро мусобақаларда 419 та совринли ўринларни эгаллади. Жумладан, Нодирбек Абдусатторов ва Умида Омонова — тезкор шахмат бўйича; Зухриддин Қодиров — қилч-бозлик бўйича жаҳон чемпиони бўлгани; 23 ёшгача футболчиларимиз Осиё чемпионатининг кумуш медалини қўлга киритгани, шубҳасиз, бутун халқимизга ғурур бағишлади.

➤ Давоми 2-бетда

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ОРЗУЛАРГА ҚАНОТ БЎЛГАН ЖАВОБ МАКТУБЛАРИ



Болалар эртанги кун умиди, авлод давомчилари, келажакимиз ворислари. Уларга меҳр, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш халқимизга хос эзгу фазилат. Айниқса, бетоб болалар ҳолидан хабар олиш, ота-оналарига умид бағишлаш, шифо топиб, соғлом ҳаётга қайтиши учун зарур барча шарт-шароитни яратишга бугун давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг пойтахтимиздаги Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида муолажа олаётган болалар билан бир неча бор учрашуви, уларнинг орзу-истаклари рўёби йўлида бор имкониятни сафарбар этиши каби эзгу амалларда ҳам бу ифода намоеън бўлмоқда.

➤ Давоми 5-бетда

МИННАТДОРЛИК



ВАТАНГА ХИЗМАТ, ФИДОЙИЛИК ДОИМ ҚАДРЛАНАДИ

Давлатимиз раҳбари куни кеча имзолаган ҳужжатларга асосан, Ёшлар куни муносабати билан янги Ўзбекистонни барпо этиш ва унинг халқро нуфузини оширишга муносиб хисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараши ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бир гуруҳ ёшлар тақдирланди. Қуйида мукофотланган ёшларнинг дил изхори, миннатдорлиги эътиборингизга ҳавола этиляпти.

➤ 6-бетга қаранг.

АЗМУ ШИЖОАТЛИ ЁШЛАРИМИЗ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЁШЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНАНАЛИ МАРОСАМИДАГИ НУТҚИ

Бошланиш 1-бетда

Мен ана шундай илмли, иродали ва қобилатли фарзандларимиз борлигидан фахрланаман. Уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийларига алоҳида раҳматлар айтаман.

Бу ўғил-қизларимиз халқимизнинг олтин фонди, Учинчи Ренессанс бунёдкорлари, десам, ҳеч муболага бўлмайди. Янги Ўзбекистоннинг келажиги ҳисобланган бундай фидойи, билимли, зукко ва ватанпарвар ўғил-қизларимиз барчага намуна бўлиши керак.

Азиз фарзандларим!
Хар сафар сизлар билан учрашувга тайёргарлик кўраётганимда мени бир савол чўқур ўйлантиради. Эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшларимизнинг янада баркамол бўлишлари учун яна қандай шарт-шароит ва имкониятларни яратиб беришимиз лозим?

Бугунги форумга ҳам Ўзбекистон ёшларини қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор янги чора-тадбирларни қабул қилиш бўйича таклифлар билан келдим.

Энг аввало, ёшларимизнинг замонавий касб ва билимларни эгаллаш имкониятларини кенгайтирашимиз.

Хабарингиз бор, 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ўғил-қизларимизнинг масалаларини ҳал этиш мақсадида жорий қилинган "Ёшлар дафтари" тизими амалда ижобий натижалар бермоқда. Лекин, шунга ҳам унутмаслик лозимки, ёшларнинг дунёқарашини, уларнинг муайян бир касбга бўлган қизиқишини 14 ёшидан, яъни мактаб давридан оқ шакллантирилади.

Шу боис, бундан буён 14-17 ёш оралиғидаги 3 миллион нафарга яқин ўғил-қизларимизга ҳам "Ёшлар дафтари"да кўзда тутилган имтиёз ва енгилликлардан фойдаланиш имконияти яратилади. Хусусан, унда назарда тутилган имтиёзлар амалдаги 11 тадан 25 тага кўпайтирилади. Жумладан, ушбу дафтарга киритилган фарзандларимизга замонавий касблар, ахборот технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиши учун ҳар ойда 1 миллион 200 минг сўмдан субсидия берилади.

Шунингдек, ёшларга илм-фан, спорт, санъат ва маданият йўналишларидаги тўғра қарашлар учун 6 ой давомида 300 минг сўмдан пул тўланади. Уларга ушбу йўналишлар бўйича маҳаллий олимпиадаларда қатнашиш харажатлари учун — 1 миллион 200 минг сўмдан, нуфузли халқаро олимпиадалар учун — 12 миллион сўмдан маблағ ажратилади.

"Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган оилаларнинг фарзандлари учун йилда бир мартаба мактаб формаси ҳамда ўқув қуролларини сотиб олиш харажати ҳам давлат ўз зиммасига олади.

Яна бир муҳим янгилик — мусиқа санъати қизиқиши баланд бўлган ёшларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб мақом хонандалиги, мақом чолғу ижрочилиги ва бахшичилик йўналишлари янги қабул қилинган талабаларнинг шартнома тўловлари тўлиқ давлат томонидан тўлаб берилади. Фортепиано ижрочилари тайёрлаш бўйича қабул 3 баробар кўпайтирилиб, бу йўналишда ҳам контракт тўловлари тўла қоплаб берилади.

Бундан ташқари, энди техникумларга қабул йилда 2 марта ташкил этилиб, талабалар учун давлат гранти сони 2 баробар оширилади. Шунингдек, техникумлар учун таълим кредити жорий қилинади ва 80 мингдан зиёд ёшларга кредит бериш учун молиявий ресурслар ажратилади.

Ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда 1 нафар IT мутахассисини тайёрлаш учун камида 1 йил вақт ва 20 миллион сўмгача маблағ талаб этилади. Ваҳоланки, яхши мутахассис 2-3 ойда битта дастур яратиш, ушбу харажатни бемалол қоплаши мумкин.

Бундан буён хусусий таълим муассасаларида IT технологиялари бўйича ўқиш (дастурлаш, веб-дизайн, анимация) истагини билдирган ёшларга ҳам 20 миллион сўмгача миқдорда 4 йиллик имтиёзли кредит тақдим этилади.

Сўнги вақтларда олис ҳудудлардаги мактаблар ўқувчилари ҳам хорижий тиллар бўйича билим беллашуларида яхши натижа кўрсатмоқда. Бундай ёшларимиз билан ҳар қанча фахрланасан, уларни рағбатлантириб борасан арзийди.

Республика беллашуларида юқори натижаларга эришган ана шундай 70 нафар ўқувчимиз ва уларнинг 14 нафар устози давлат ҳисобидан Буюк Британияга сафарга юборилади.

Қадрли ёшлар!
Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш бўйича жорий қилинган янги тизим асосида 8 миллиондан зиёд йигит-қизларимизни қамраб олган "Ёшлар баланси" шакллантирилди. Унга кўра, айни пайтда республикамизда ишисиз йигит-қизлар 1 миллион 200 минг нафарни ташкил этмоқда. Шулардан 850 минг нафари ишлаш истагида бўлган ёшлар ҳисобланади.

Энг муҳими, ёшларнинг қизиқишлари, касб-ҳунарга мойиллиги, маълумоти, ижтимоий аҳоли ва муаммоларидан тўлароқ хабардор бўлиш имконини берадиган тизим яратилди.

Жорий йилда 404 минг йигит-қиз ўрта таълимни, 151 минг нафари профессионал таълим муассасасини битириб, меҳнат бозорига кириб келади. Уларнинг бандлигини таъминлаш энг долзарб вазифа ҳисобланади. Жумладан, бир йил давомида тадбиркорлик дастурларига 4 триллион сўм йўналтириш орқали 220 минг нафар ёшларнинг бандлиги таъминланади. 130 минг нафар ёшларга касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқиши учун 160 миллиард сўм субсидия ажратилади. 110 мингдан зиёд ўғил-қизларимиз эса давлат қорхоналари ва хусусий сектордаги бўш иш ўринларига жойлаштирилади.

Шунингдек, ёшларнинг тадбиркорлик лойиҳаларига 250 миллиард сўм субсидия ва компенсациялар берилади. Айни пайтда уларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фаолиятини ҳам тизимли равишда рағбатлантириб борамиз. Масалан, Олтиариқ узумчилик кластери намунаси асосида республикамиздаги 70 та туманда "Ёшлар агрокластери"ни ташкил этиб, 400 минг нафар ёшларни иш билан таъминлаймиз.

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари ёшлар билан учрашиб, ушбу режаларни ўз ҳудудлари бўйича батафсил муҳокама қилдилар. Энди ҳар йили ўқув йили якунланиши билан, ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича ҳар бир ҳудуд алоҳида дастур қабул қилади.

Азиз фарзандларим!

Албатта, ҳозирги ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш осон эмас. Бу борада маҳаллалардаги 6 миллиондан зиёд ўғил-қизларимиз, айниқса, уюлмаган ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш бўйича Беш ташаббус олимпиадаси йўлга қўйилди. Бугунги тадбирда ушбу олимпиада ғолиблари бўлган 345 нафар йигит-қизларимиз ҳам қатнашмоқдалар.

Агар сизлар қўллаб-қувватласангиз, энди Беш ташаббус олимпиадаси ҳар йили 2 марта ўтказиб борилади.

Яна бир муҳим масала — бугунги ёшлар ўзига керакли маълумотларни аввало Интернетдан олмақда. Шундай экан, Интернетнинг миллий сегментида ёшларни ўзига жалб қиладиган, тарихимиз, маданиятимиз, қадриятларимиз ҳақида ишонarli ва қизиқarli маълумот берадиган контентлар етарлими?

Афсуски, бу саволга ижобий жавоб беролмаймиз. Ҳали бу борада олдимизда жуда катта ва зифатлар турганини барчангиз яхши ҳис қиласиз, албатта.

Мен ҳозиргина учрашган Мехрино Аббосова бошчилигидаги бир гуруҳ ташаббускор ёшлар томонидан дунёнинг энг оммабоп электрон энциклопедияси — Википедияга 10 мингдан ортиқ ўзбек тилидаги мақолалар жойланганини эшитиб хурсанд бўлдим.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шу фидойи ва ватанпарвар ўғил-қизларимизга ўз миннатдорлигини билдирмоқчиман. Бундай эзгу ва хайрли лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз зарур.

Ана шу тажриба асосида Интернет тармоғида Ўзбек миллий контентини ривожлантириш дастури амалга оширилади. Бунда миллий давлатчиликимиз тарихини матнли ва видео контентлар орқали тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Шунингдек, юртимиздан етишиб чиққан 100 нафар буюк аллома ва мутафаккирларнинг Интернетдаги маълумотлар базасини яратиш, уларнинг асарларини оммалаштириш чораларини кўрамиз.

Википедияда ўзбек тилидаги мақолалар сони 100 мингга етказиш ва хорижий тилларда ҳам Ўзбекистон ҳақидаги маълумотларни жойлаштириш яхши самара бериши шубҳасиз. Ушбу мақсадлар учун 10 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Бундай тадбирларга билимли ва шижоатли волонтер ёшларни жалб қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини тизимли равишда рағбатлантириб бориш лозим.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Сизларнинг орангизда ватанпарварлик, меҳроқибат ва инсонийлик борасида кўпчиликка ибрат бўлаётган ёшлар жуда кўп.

Бугун волонтер ёшлар ҳаракати жамаиятимизнинг қўллаб соҳаларида кенг гўлжа ёзмоқда. Бундан буён Ёшлар ишлари агентлиги бу харақатга бош-қош бўлади. Ёшларнинг ташаббуслари асосида ҳар йили Харақатлар дастури ишлаб чиқиладиган ҳамда волонтерлик фаолияти қўллаб-қувватланади.

Президентнинг таълим олишига эътибор қаратиш билан бирга китобхонликни янада кучайтиришимиз зарур. Шу мақсадда маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ҳар бир кўча кесимида китобхонлик

танлови, "Заковат" ва бошқа интеллектуал ўйинларни йўлга қўяди. Бундай танловлар ҳар ҳафтада — маҳалла кесимида, ҳар ойда — туман миқёсида ва ҳар чорақда вилоят даражасида ўтказиб борилиши керак. Бу орқали 2 миллионга яқин ёшлар қамраб олинади.

Шу билан бирга, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳар бир мактаб кутубхонасига камида мингтадан янги бадий адабиётларни етказиб беради.

Ёшларнинг жисмоний ва маънавий камолотида спортнинг ўрни беқиёс экани барчамизга яхши маълум.

Мана, яқинда Тўдақўлда 327 мингдан зиёд ёшлар иштирок этган шахмат турнирининг финал босқичи бўлиб ўтди. Келгуси йилда Тўдақўлда дунё стандартларига жавоб берадиган халқаро шахмат мактабини қуриб, фойдаланишга топширашимиз. Бу ерда жаҳоннинг энг машҳур гроссмейстерлари келиб, болаларимизга шахмат сирасорларини ўргатади. Навоий кон-металлургия комбинати раҳбари, сенаторимиз Қувондиқ Санақуллов ушбу мактабининг ўз вақтида қурилиши ва самарали фаолият юритишига масъул бўлади.

Шунингдек, республикамиз бўйича маҳаллалар кесимида 631 минг ўғил-қизлар қатнашган волейбол, 671 минг йигитлар иштирок этган футбол ва мини-футбол баҳслари ҳам юқори даражада ташкил қилинди. Ушбу мусобақалар ёшларнинг спортга қизиқиши жуда юқори эканини кўрсатди.

Биз мамлакатимизда спортни янада оммалаштириш, хусусан, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш ҳақида кўп гапирамиз, қанчадан-қанча ишларни амалга оширганмиз. Бироқ савол туғилади: шунга яраша қисқ кутган натижага бўлаётми? Соҳада қандай камчиликларга йўл қўйилмоқда?

Ўйлайманки, бу масалага танқидий ёндашиб, зарур чора-тадбирларни амалга ошириш вақт-соати келди.

Жорий йилдан бошлаб 36 та спорт федерацияси, 274 та спорт мактаби ўз ҳудудидаги маҳаллалар, ўрта мактаблар, коллеж ва техникумлар билан ҳамкорликда ишлайди. Ҳар бир кўча, маҳалла, мактаб, коллеж ва техникумда футбол, баскетбол, волейбол, стол тенниси, велоспорт, югуриш, шахмат-шашка ва бошқа спорт турлари бўйича жамоалар тузилади.

Бундан буён барча спорт мусобақалари "маҳалла — туман — вилоят — республика" занжири асосида ташкил этилади.

Албатта, бундай ишларни амалга ошириш маҳалладаги ёшлар етакчиларидан катта масъулият ва ташаббускорлик талаб этади.

Ислоҳотларимиз навқирон авлод ҳаётига янада чуқур кириб бориши учун ёшлар етакчиларига кенроқ имконият ва вақолатлар бермас, ўйлайман, сизлар ҳам бунга қўллаб-қувватлайсиз.

Бундан буён ҳар йили олийгоҳларнинг сиртки бўлимига ўқишга қабул қилинган 500 нафар энг фаол ёшлар етакчиларининг контракт тўловлари Ёшлар ишлари агентлиги томонидан тўлаб берилди. Шунингдек, "Ёш раҳбар кадрлар захираси" шакллантирилиб, унинг 30 фоизи ёшлар етакчилари ҳисобидан тўлдирилади.

Мен ёшлар етакчилари тимсолида бўлажак ҳокимлар ва вазирларни, йирик банк ва компаниялар, давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар лидерларини кўраман.

Қадрли фарзандларим!
Биз "Бетакорор юртимизда барқарор жамаиятни ва бардавом тараққиётни таъминлаш — барчамизнинг бош мақсадимиздир" ширин остида ислоҳотларимизнинг янги даврини бошламоқдамиз.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ёшлар билан ишлаш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни ислоҳотларимизнинг бош мезонларидан бири сифатида белгилади.

Шу кунларда Конституциямизни умумхалқ муҳокамасида кўриб чиқиб, уни тақомиллаштириш бўйича жуда муҳим сиёсий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада келиб тушган таклиф ва ташаббусларнинг 70 фоиздан ортигини айнан ёшларимиз томонидан билдирилгани мени жуда қувонтирди.

Албатта, янгиланаётган Конституция, бу — сизларнинг Конституциянгиз.

Янгиланаётган Конституциямизда ҳам ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари устувор аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан сизларга, бутун мамлакатимиз ёшларига мурожаат қилиб айтмоқчиман. Ҳеч қачон унутманг, сизлар инсон ҳар томонлама эркин, озода ва фаровон яшайдиган Янги Ўзбекистон ҳамда Учинчи Ренессанс бунёдкорларисиз.

Ана шундай шарафга муносиб бўлиш йўлидаги интилишларингиз ва ҳаётда ўзингизнинг муносиб ўринингизни топишингиз учун бундан кейин ҳам бор куч ва имкониятларни тўлиқ сафарбар этамиз.

Мен Президент сифатида сизлар ўз олдингизга қўйган режа ва марраларга эришишингиз учун барча шароитларни яратишга тайёр эканимни бугун яна бир бор таъкидламоқчиман.

Бугун сизларнинг ёниб турган қўларингиз, шодликка тўла гўзал чехрангизга қараб, академик шоиримиз Ғафур Ғуломнинг:

Сиз ахир осмонни олмоқ бўлсангиз,
Не учун елкамни тутиб бермайин? —

деган оташин сатрлари ёдимга тушмоқда.

Мен сиз, азиз фарзандларимдан бир нарсани сўрайман: тинимсиз ўқиб, изланиб, замонавий билимларни эгаллашдан, кўнглингиздаги эзгу мақсадлар сари ҳаракат қилишдан ҳеч қачон тўхтаманг!

Қорақалпоғистондан Андижонгача, Сурхондарёдан Тошкентгача — барча ҳудудлардаги ёшларимиз Янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсадининг йўлида бир тану бир жон бўлиб, дедил олға интилишлари керак.

Мен сизларнинг бу йўлда маррани баланд олиб, ягона куч бўлиб ҳаракат қилишингизга ишонаман.

Сизлар бунга албатта қодирсиз.

Мен сизларга ишонаман ва сизлар билан фахрланаман, азиз болаларим!

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни бугунги унутилмас байрамингиз билан яна бир бор табриkläйман.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, туганмас куч-ғайрат, улкан ютуқ ва зафарлар тилайман.

Жорий йилдан бошлаб 36 та спорт федерацияси, 274 та спорт мактаби ўз ҳудудидаги маҳаллалар, мактаб ва коллежлар билан ҳамкорликда ишлайди. Ҳар бир кўча, маҳалла, таълим муассасасида спорт турлари бўйича жамоалар тузилади.

Маълумки, шу кунларда Конституцияни ислоҳ қилиш жараёни кетмоқда. Давлатимиз раҳбари бу борадаги таклиф ва ташаббусларнинг 70 фоиздан ортигини ёшлар илгари сурганига уруғ берди.

— Албатта, янгиланаётган Конституция бу — сизларнинг Конституциянгиз, — дея таъкидлади Президент.

Шавкат Мирзиёев ёшларга Ғафур Ғуломнинг сўзлари билан мурожаат қилди:

Сиз ахир осмонни олмоқ бўлсангиз,
Не учун елкамни тутиб бермайин?

Байрам шодиёнасини Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги 220 мингдан зиёд ёшлар кузатиб борди. Давлатимиз раҳбари улар билан ҳам видеолоқа орқали мулоқот қилди.

Ёшлар куни арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорига мувофиқ, илм-фан, спорт, санъат, тадбиркорлик ҳамда бошқа соҳаларда юқори натижаларни кўлга кiritиб келаётгани бир гуруҳ ёшлар "Келажак бунёдкори" медаллари ҳамда "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирланган эди.

Давлатимиз раҳбари ушбу мукофотларни тантанали равишда топширди.

Тадбир "Ёшлар овози" танлови ғолиблари ҳамда танлиқи эстрада хонандалари иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.

ШИЖОАТЛИ ВА БИЛИМЛИ ЁШЛАР — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ



Бошланиш 1-бетда

"Ёшлар дафтари"га киритилган 700 мингдан ортиқ йигит-қизларнинг муаммоларини ҳал этишга 650 миллиард сўм йўналтирилди. Сўнги икки йилда 174 минг нафар ёшнинг тадбиркорлик лойиҳалари

учун 4 триллион 400 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилди. 560 минг нафарига дехқончилик учун ер майдони ажратилиб, бандлиги таъминланди.

Таълим сифатини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ихти-

лашган мактаблар кўлами кенгайиб, ўқувчиларга чўқур билим берилмоқда. Биргина Президент мактабларини битирган ёшларнинг 102 нафари хориждаги етакчи олий таълим муассасаларида ўқимокда.

Сўнги икки йилда 400 нафар ёшлар "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали чет элга ўқишга юборилди. Сўнги бир йилда халқаро фан олимпиадаларида 255 та медаль кўлга киритилди. Жорий йилда 382 нафар ёш спортчимиз нуфузли халқаро мусобақаларда 419 та совринли ўринларни эгаллади.

Буларнинг барчаси байрам майдончаларида намоён бўлди. Шундан сўнг Президент амфитеатр майдонига келиб, мамлакатимиз ўғил-қизларини Ёшлар куни билан табриқлаб, нутқ сўзлади.

— Сизлар билан учрашиб, таклиф ва ташаббусларингизни эшитиш менга ҳар доим қувонч ва ғурур бағишлайди. Шижоат ва интилишингизни кўриб, ёниб турган қўларингизга боқиб, ўзимга битмас-туганмас куч оламан. Сизлар мана шундай катта куч-қудрат эгасисизлар, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари байрамга янги чора-тадбирларни қабул қилиш таклифлари билан келганини таъкидлаб, ёшлар учун яратилажак қўшимча имкониятларни эълон қилди.

Хусусан, "Ёшлар дафтари"да кўзда тутилган имтиёз ва енгилликлар энди 14-17 ёш оралиғидаги 3 миллион нафарга яқин ўғил-қизларга ҳам татбиқ этилади. Имтиёزلар сони ҳам ҳозирги 11 тадан 25 тага кўпайтирилади.

2022-2023 ўқув йилидан бошлаб, мақом хонандалиги, мақом чолғу ижрочилиги, бахшичилик ва фортепиано йўналишларига янги қабул қилинган талабаларнинг шартнома тўловлари тўлиқ давлат томонидан тўлаб берилади.

Техникумларга қабул йилда 2 марта ташкил этилиб, талабалар учун давлат гранти сони 2 баробарга оширилади. Улар учун ҳам таълим кредити жорий қилинади. Хусусий таълим муассасаларида дастурлаш, веб-дизайн, анимация каби касбларни ўрганиш истагидаги ёшларга ҳам 20 миллион сўмгача миқдорда 4 йиллик имтиёзли кредит тақдим этилади.

Хорижий тилларни яхши ўзлаштирган ўқувчиларни рағбатлантириш мақсадида 70 нафар ўқувчи ва уларнинг устозлари давлат ҳисобидан Буюк Британияга сафарга юборилади.

Президент ёшларнинг бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Тадбиркорлик дастурларига 220 минг нафар, касб-ҳунар ўрганишга 130 минг нафар, давлат қорхоналари ва хусусий сектордаги бўш иш ўринларига 110 мингдан зиёд ўғил-қизлар жалб этилиши таъкидланди.

Интернет тармоғида Ўзбек миллий контентини ривожлантириш дастури амалга оширилади. Бу мақсадлар учун 10 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

ҚАТЪИЙ ИШОНЧГА МУҲИМ АСОС ЯРАТЯПМИЗ

Акром СУЛАЙМОНОВ,
Шахрисабз шаҳар ҳокими

Шахрисабзда 40 та маҳалла бор, уларда 142,7 минг нуфус яшайди. 64,8 минг иқтисодий фаол аҳолимиз мавжуд, 2,4 минг йигит-қиз меҳнат бозорига кириб келмоқда. Мана шу фаол рақамли ҳаётнинг ўзиёқ олдимизга ниҳоятда катта масъулият ва вазифаларни юклайди, катта тараққиётга эришиш мақсадини қўяди. Бугун олдимизда битта йўл бор: инсон кадрини юксалтириш, одамларни рози қилиш. Бу йўлни Президентимиз қатъий белгилаб берган ва шу тамойилдан оғишмаслиқни доим таъкидлаб келади.

Бу йил миллий тараққиётимизнинг иккинчи, ниҳоятда муҳим палласига қадам қўйдик. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган 100 та мақсадни амалга оширишга киришганмиз. Очiq айтмиш, олдимизда ниҳоятда мураккаб, машаққатли, лекин халқларвар, одил сиёсат тамойилларига асосланган “Буюк ўзбек йўли” турибди. Албатта, биз энг янги тарихимиз саҳифаларида алоҳида “Эътироф ҳодисаси” бўлиб қоладиган бу буюк довонни муваффақиятчи олиб ўтатишимиз. Шунда миннатдор авлодлар биздан рози бўлса, эзгу ниятимиз амалга ошди, деб ҳисоблаймиз.

Албатта эришамиз, дедик. Бу қатъий ишончга муҳим асос ҳам яратяпмиз: шу кунларда катта ислоҳот — Конституциямизга муҳим ўзгаришлар киритиш остонасидамиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 20 июнь кун Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда Асосий қонунига нима учун ўзгаришлар киритилаётганини халқчил тилда асослаб берди.

Хусусан, **тўртта устувор йўналиш бўйича 38 та тақлифни** илгари сурди. **Биринчи йўналиш** — инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қимматини улуғлаш, дахлсиз ҳуқуқ ва манфаатларини мустаҳкамлаш бўйича еттига тақлиф берилди. Ҳар бирининг маъносини англасак, кўз олдимизда Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлаш тамойили янги, адолатли босқичга чиқабди намоян бўлади.

Бу Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланиши, “Миранда қондаси”ни қўллаш, “Хабас корпус” институтини ривожлантириш, судланган шахсларнинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш амалиётидан воз кечиляётгани ва шунга ўхшаш қатор инсон қадр-қиммати га тааллуқли тамойиллар Конституцияга даражасида мустаҳкамланишига доир ташаббуслар билан рўйбега чиқишини аглаймиз.

Иккинчи йўналиш — Асосий қонунида “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган гояни мустаҳкамлаш юзасидан 16 та ташаббус билдирилди.

Биз — ҳокимлар Президентимизнинг жойлардаги ишончли, суюнган вақилимиз. Демак, барча ислохотларга дахлдор ва масъул халқ хизматчисидек эканлигини тушунаман. Шунинг баробарида оилам учун жавобгар фуқаромам. Оила даврасида фарзандларимизни келажаги ҳақида қайғуриш ҳам оталик, ҳам фуқаролик бурчим. Шундай экан, Конституцияга киритилаётган ўзгаришларга оддий фуқаро сифатида ҳам бефарқ бўлолмайман. Асло.

Энди эса 16 та ташаббуснинг бор моҳиятини ҳис қилиш вақти келди. Шахсан мен бу тақлифларни, фаровон ҳаётимизни кўз олдимга келтирган ҳолда тўлиқ қувватлайман. Нима учун шундай?

Чунки фуқароларнинг уй-жойига бўлган ҳуқуқлари қамқолганини, муҳтож тоифаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича давлат мажбуриятлари аниқ белгиланиши, бу — катта сиёсат. Бизнинг тарихимизда шу пайтгача кузати-



маган ва камдан-кам давлатда бўлган халқчил сиёсат.

Чунки хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш учун зарур бўлган конституциявий амалга оширишга, чекланмаган микдорда даромад олишга ҳақиқ эгани Конституцияда мустаҳкамланиши тақлиф этилди. Бу эртага ҳар биримизнинг ҳаётимиз янада тўқис бўлишини аглаптади. Тадбиркор ҳам, унинг қўшниси ҳам, сўнг, албатта, давлат ҳам бой бўлишини билдиради.

Чунки оила, аёлу эркак, ногиронлиги бўлган инсонлар жамият ва давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўлиши, ҳар бир шахснинг қулай меҳнат шартларида

ишлаши, меҳнати учун муносиб ҳақ олиш ҳуқуқига конституциявий мақом бериш айтилмоқда. Бу — шунчаки кафолат эмас. Қудратли жамият асосидир. Бундай муҳит ва маконда яшаш эса барча инсонларнинг орзуси ва мақсади экани барчага аён.

Чунки давлат таълимнинг барча шаклида, жумладан, хусусий таълим муассасаларини ривожлантириш учун зарур шaroитлар яратиш, педагог ходимлар нуфузини бугунгидан-да юксалтириш тақлифи илгари сурилди.

Гап шундаки, янги Ўзбекистон тараққиётининг ниҳоятда тўғри ва мақбул йўлида. Бугун билим олиш, илм эгаллаш, ҳар бир соҳага илмий нуқтадорлик билан ёндашиш — ҳаёт талаби, таъбир жоиз бўлса, триқлик зарурати. Шундай экан, биз бу жиҳатларни Конституция асосига киритишимиз ҳам мақсадга мувофиқ.

Учинчи йўналиш — эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун маҳаллаларнинг давлат ҳокимияти органлари тизими га кирмаслиги, жойлардаги маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этиш бўйича ваколатларини алоҳида белгилаш тақлиф этилди.

Ниҳоятда адолатли тизим бўлади. Ҳоким сифатида ҳам айтишим мумкин, бу тақлиф қўллаб-қувватланса ва конституциявий тус олса, ривожланишимиз янада тезлашади. Бойси, шунда самарадорлик юқори бўлади. Бошқаруving соддалашуши, муаммоларни жойида мустақил ҳал қилиш иқомонияти пайдо бўлиши, ортқча бюрократияга барҳам берилиши ҳамма замонларда ҳам қўрилган натижа берган.

Тўртинчи йўналиш — Ўзбекистонда инсонларвар, демократик ҳуқуқий давлат қуриш бўйича 14 та тақлиф илгари сурилган.



Бунда нималар ўзгаради, дея савол берсангиз, айтишимиз мумкин, давлат органлари фаолияти янгиланади, замон талабларига мослашади, Ўзбекистонда аввалгидек, “давлат — жамият — инсон” эмас, балки “инсон — жамият — давлат” тамойили юзага қалқайди.

Биз энди нафақат ички, хусусан, ташқи сиёсатимизни ҳам глобал муҳит талабларидан келиб чиқиб белгилаш ва ўзимиз танлаш йўлини тутамиз. Аслида бу сиёсат бундан олти йил олдин бошланган эди, бунга тобора муҳим мазмун касб этмоқда. Қўшиллар билан дўст яшаш, миллий хавфсизлигимизни таъминлаш, ташқи сиёсий фаолиятимизни ўзаро манфаатдорлик тамойилларига қуриш ҳам бугунги кун талаби.

Президентимиз Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлган йиғилишда шундай деди: “**Бетақрор юртимизда барқарор жамиятни ва бардавом тараққиётни таъминлаш** —

барчамизнинг бош мақсадимиздир. Мен бугун халқимизни ана шу буюк мақсадга эришишда узро бирдамликка ва ҳамжихатликка чақираман. Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг ёрқин ифодаси бўладиган янгилаётган Конституциямизга таяниб, Янги Ўзбекистонни албатта биргалиқда барпо этамиш”.

Биз бунга комил ишончдамиз. Чунки ҳокимлар, вазирилар, ҳамма амалдорлар халқ ичиде юрибди, Президентимиз ўргатганидек, халқ дарди билан яшаймиз. Муаммоларга ечим топиляпти. Ҳеч кимни норизо қилмаслиқ ҳаракатидамиз.

Яна бир гап шуки, мана шу ислохотлар ва Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш учун Бош асос ҳам яратилапти. Тарихий кунларни яшаймиш, ҳеч ким бу ўзгаришларга бефарқ эмас. Янгилаётган Конституциямиз эса бизни ёрғу ва фаровон ҳаётга бошлашига шубҳа йўқ.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД — ИНСОН ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТИ

Нилуфархон САИД-ГАЗИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети Давлат ҳуқуқий фанлар ва инсон
ҳуқуқлари кафедраси профессори, юридик фанлар
доктори

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислохотлар Конституциявий суд ишларини юриштириш янада демократлаштиришни тақозо этиди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 20 июнь кун Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда Конституциянинг олий юридик кучга эга экани, тўғридан-тўғри қўлланиши, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ажралмас ва дахлсиз бўлиб, ҳар кимга тузилганидан бошлаб тегишли экани, буларнинг барчаси Асосий қонуннинг ҳимоячиси бўлган Конституциявий суд фаолиятини янада тақомиллаштиришни тақозо этишини таъкидлади. Шунингдек, Конституциямизда фуқаролар ва юридик шахсларнинг муайян ишда суд томонидан уларга нисбатан қўлланилган қонуннинг бош қонунга мослигини текшириш ҳақидаги шикоятларини қўриб чиқишини Конституциявий суд ваколатида акс эттириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тўхталиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида “Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга”, дейилган. “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 2-моддаси 3-қисмига асосан “Ушбу пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ҳуқуқий ҳимоя талаб қилувчи ҳар қандай шахс учун юридик ҳимоя ваколатли суд,



маъмурий ёки қонун қиқарувчи ҳокимиятлар томонидан ёки давлатнинг ҳуқуқий тизимида назарда тутилган бошқа ваколатли органлар томонидан таъминлаши ва суд орқали ҳимояланиши имкониятини ривожлантириш ушбу зиммасига олади”, дея белгиланган.

Шунингдек, ҳамоҳанг нормаларни ривожлантирган ҳорижий давлатлар Конституцияларида ҳам қўриш мумкин. Масалан, Бельгия (142-модда), Венгрия (24-модда), Германия (93-модда), Қора Конституциясининг 111-моддасида ўз аксини топган.

Шундай экан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда самарали воситалардан бири бўлган конституциявий шикоят институтини Асосий қонунимизда норма билан мустаҳкамлаш мамлакатимизда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, конституциявий қонунчиликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ: ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 20 июнь кун Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда долзарб ва аниқ тақлифлар, амалий ташаббусларни илгари сурди. Айнққса, Конституциямизда “Ўзбекистон — ижтимоий давлат”, деган тамойилни мустаҳкамлаш тақлиф этилдиди, бу энг тўғри қарор бўлди. Нега десангиз, “Инсон қадри” тушунчаси “Ижтимоий давлат” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу гоянинг тўли негизида, аввало, инсон қадрини улуғлаш, аҳолига хизмат қилишдек олижаноб мақсад мумжасам.

Ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шaroитларини яратиш беради. У ижтимоий таффовулларни камайитриш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат модели. Шунингдек, муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутди. Шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шaroитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни талаб қилади.

Мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, бандликни таъминлаш, кафолатланган сифатли таълим, малакалиқ тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар яратиш, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад мумжасам.

Шу кунларда мамлакатимизда умумхалқ мухожасида бўлиб турган “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси га ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонун лойиҳасида аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор нормалар ўз ифодасини топган. Хусусан, амалда Конституциямизнинг 37-моддасига қўшимчалар киритилиб, “Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шaroитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай

камситилишларсиз ва белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга”лиги белгиланмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Сабаби Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (27-модда), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (11-модда), Меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорини ўрнатиш тартиб-таомилларини яратиш бўйича 1928 йилдаги, Меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича 1970 йилдаги конвенциялар талабларига асосан, меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорини Конституциямизда акс эттириш зарурати келиб чиқиб қолган эди. Шу боис, қонун лойиҳасининг 37-моддасига “Меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдори инсоннинг ўзи ва оиласи яшати учун етарли бўлиши кераклиги” тўғрисида қўшимча норма киритилаётгани айни муддао бўлди. Жумладан, хомилидорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишнинг рад этиш, ишдан бўшатилуш ва уларнинг иш ҳақини камайитриш тақиқланади. Ҳар бир ишловчи аёл хомилидор бўлган тақдирда ва туғиш даврида ҳақ тўланадиган, янги туғилган чақалочқини парварити қилиш учун ёки болани фарзандликка олиш учун таътилга чиқиш ҳуқуқига эгаллиги назарда тутилмоқда.

Амалдаги Конституциямизнинг 38-моддасига эса ёллалиб ишлаётган фуқаролар дам олиш ҳуқуқига, дам олиш ва байрам кунлари, ҳақ тўланадиган ҳар йилги таътилга чиқиш ҳуқуқига эгаллиги тўғрисида



янги банд қўшилмоқда. Бу ҳам ёллалиб ишлаётган қўллаб фуқароларимизни уйлантираётган масаланинг Конституцияга даражасидаги ечимини бўлади, десак янглишмаймиш. Ушбу қўшимча билан нафақат ёллалиб ишлаётганлар, балки барча шахслар дам олиш ҳуқуқига эгаллиги кўрсатилмоқда. Мазкур моддада ходимларга нафақат меҳнат таътили бериш, шунингдек, иш вақтининг давомийлиги, дам олиш ва байрам кунлари ҳам қонунларда аниқ белгилаб қўйилиши кўрсатилган. Бундай нормалар ходимларнинг дам олиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилади.

Сир эмаски, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 25-моддасида “Ҳар бир инсон узининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан, кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишга ҳамда ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, қариллик ёки унга боғлиқ бўлмаган шaroитларга қўра тирикчилик учун маблағ бўлмаган қолган бошқа ҳолларда таъминлаш ҳуқуқига эга”лиги белгиланган. Шу ва қўллаб фуқароларимизнинг тақлифига қўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига ёрдам бериш ҳамда ҳар бир шахснинг ҳаёт сифати ва даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилишини Асосий қонунимизда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир.

Шундан келиб чиқиб, Конституциямиз 39-моддасида пенсиялар,

нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари миқдори расман белгилаб қўйилган энг кам истеъмол ҳаражатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги ҳамда давлат ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш учун зарур шaroитлар яратиши, пенсиялар, нафақалар ва ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларини белгилаш, ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжман ва кам таъминланган, уй-жой шaroитини яхшилашга муҳтож фуқароларни қонунда белгиланган тартибда уй-жой билан таъминлаш каби нормалар киритилиши ижтимоий ҳимояни янада кучайтиришга муҳим асос бўлади, дейиш мумкин.

Эътиборли яна бир томони, 39-моддага ногиронлиги бор шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган нормалар киритилиши ҳам халқимиз дилидаги иш бўлди. Масалан, мазкур моддада давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун зарур шaroитларни яратиши, уларга нисбатан ҳар қандай ажратиб қўйиш, ҳисобга олмаслик, четлатиш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шaroитлар яратишдан бўйин товлаш тақлифларини белгилаб қўйилмоқда.

Жорий йил 25 июндан 5 июлга қадар умумхалқ мухожамасига қўйилган қонун лойиҳасининг мазмун-муҳияти ва ахамияти республикаимизнинг барча ҳудудларида кенг тарғиб қилинмоқда. Бу жараёнда Қонунчилик палатаси депутатлари Конституциявий қонун лойиҳасини аҳолига етказишда фаоллик кўрсатаяпти.

Албатта, юртимизда олиб борилаётган инсонларвар сиёсатнинг асосий мақсади аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча шарт-шaroит ҳамда қулайликларни яратишдан иборат. Бир сўз билан айтганда, халқимиз фаровонлиги ва Ванитимиз раванқининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи Конституциямиз юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, оила тақдирини, уларнинг бугунги ҳаёти, эртанги келажакини таъминлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилиши керак. Демак, ҳаммамиз бугунги ва эртанги фаровон келажакимиз учун мухожам жараёнда ўз тақлифларимиз билан фаол иштирок этишимиз лозим.

ШАФФОФ ВА СОҒЛОМ РАҚОБАТ МАЙДОНИ

66 Унинг биржадаги нархи маҳсулотнинг бир тоннаси учун 4 668,9 минг сўмдан 4 278,5 минг сўмгача, яъни 8,4 фоизга пасайди. Сўнгги савдо кунларида биржада ун бўйича шакланган котировка унинг бошланғич нархи (4 224,9 минг сўм)га нисбатан атиги 1,2 фоизга ўсган. Демакки, ун биржада деярли ўзининг бошланғич баҳосида сотилиб келинмоқда

МАМЛАКАТИМИЗ ДЕҲҚОНЛАРИ ҒАЛЛАНИ 1 ИЮЛДАН БОШЛАБ ОЧИҚ БИРЖА САВДОЛАРИДА СОТИШНИ БОШЛАЙДИ

Ўзбекистон товар-хонашэ биржасининг Тошкент шаҳридаги офисиди иш қизғин. Залдаги катта монитордан сотувга қўйилган ва кўйилаётган маҳсулотларнинг ҳажми, нархлари ўтиб турибди. Қайд этиш жоиз, бугунги кунда уларнинг сони 630 тадан ортиқроқ. Брокерлар унда акс этаятган котировкаларни синчиклаб кузатиб боради.

Брокерларнинг асосий иш қуроли компьютер. Улар учун маҳаллий ва хорижий бозорда таклиф этилаётган маҳсулотлар ҳажми ва нарх-навоиси жуда муҳим. Компьютер мониторингиди пайдо бўлаётган турли хилдаги жадвал, котировкаларни таҳлил қилиш, шу асосда миқозлар учун маҳсулотларни танлаш иш моҳиятини белгилайди. Табиийки, миқоз учун зарур бўлган товарни имкон қадар пастроқ нарҳда сотиб олишга интилади.

Тўлқин Турдиқулов биржанинг малакали брокерларидан. Ун саккиз йилдан буён шу ерда 200 дан ортиқ ҳамкасби билан иш юртиради.

— Кейинги йилларда биржада савдоларнинг амалга оширилиши, миқозларга хизмат кўрсатиш тизимлари замонавийлашгани ҳолда, жуда соддалашиб борапти, — дейди брокер. — Менинг хорижий миқозларим кўпроқ БАА, Покистон, Ҳиндистондан. Улар кўпроқ кимё саноати маҳсулотларига қизиқиш билдиради. Бундан беш-олти йил олдин ҳам уларни биржа рўйхатидан ўтказиш учун кўп вақт кетарди. Ҳозир бир, нари борса икки кунда бу иш амалга ошади.

Талаб ва таклиф, соф рақобат, котировка, замонавий ахборот технологиялари биржалар фаолиятининг моҳияти ва таркибини ташкил этади. Ўзбекистон товар-хонашэ биржаси ҳам худди шундай иш юртиради. Унинг савдолари айланмаси сўнгги уч йилда 2 баробарга ўсиб, 90 триллион сўмга етган, сотиладиган товарлар сони эса 3 баробардан зиёдга кўпайган.

Яқин пайтга қадар биржанинг мамлакатимизда 13 та худудий филиали, мингдан ортиқ брокерлик идоралари, 300 дан зиёд маҳаллий ва 20 та хорижий савдо майдончаси мавжуд бўлиб, 3000 дан ортиқ трейдер миқозларга хизмат кўрсатарди.

— Эндиликда биржа фаолияти янада кенгайиб борапти, — дейди Республика товар-хонашэ биржаси бошқаруви раиси Зиёвуддин Бадриддинов. — Президентимизнинг шу йил 28 майдаги Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ун маҳсулотлари жорий йил 1 июндан, ғаллани эса 1 июндан бошлаб очик биржа савдоларида кўйилиши белгиланди.

Бугўдoinннг биржа орқали туманларда самарали сотилишини йўлга қўйиш мақсадида 20 мингдан зиёд фермер ўқитилди. Уларнинг ҳўжалиқлари биржада электрон рақамли имзо орқали соддалаштирилган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, брокерлик идораларига бириктирилди. Шунингдек, биржа мутахассислари томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг қарийб 200, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бухгалтерлар марказининг 1 миңг 500 дан зиёд ходими ҳам биржа савдолари йўналишида ўқитилди.

Биржамизнинг бугунги мавжуд электрон инфратузилмаси унинг савдолариди иштирок этишга чоғланаётган фермер ҳўжалиқлари ва кластерларга ҳам, тадбиркорлик субъектларига ҳам

замонавий хизмат кўрсатишни тўла таъминлай олади. Бугўдойни биржа савдоларида кўйилган фермерлардан гаров маблаги талаб этилмайди ҳамда улар биржанинг комиссиян тўловларидан озод этилган.

Маҳсулотни сотишда биржанинг ҳисоб-китоб клиринг хизмати кенг қўлланилади. Бунда фермерга тўловларининг ўз вақтида ва тўлиқ келиб тушиши кафолатланади.

Қарорда ғалла бозорини эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Жўмладан, 500 миңг

сўғориладиган ернинг ҳар бир гектаридан 2,5 миңг тоннадан бугўдой биржа орқали сотувга чиқарилади, қолганини фермер, кластерлар эркин бозор нархларида сотади. Ҳар йили жаҳон бозори, биржа нархларидан келиб чиқиб, ғаллага тавсиявий нарх ишлаб чиқилади. Ҳозир белгиланган 3 миллион сўм якуний нарх эмас, у ўзгарishi мумкин. Энг асосийси, фермерлар аста-секин эркин савдога кириб боради.

Бугунги кунда вилоятларда ғалла ўрими давом этапти. Жорий йил мамлакатимизда 1 миллион 32 миңг гектар

соҳага 160 дан ортиқ хусусий сектор субъектлари ҳам ўз хизматларини таклиф этапти.

Маълумки, коронавирус пандемияси шароитида 2020 йил 16 апрелдан ун маҳсулотини биржа савдоларисиз тўғридан-тўғри шартномалар асосида етказиб бериш бўйича вақтинчалик тартиб ўрнатилган эди. Бироқ бу тизим шаффоф бўлмагани сабабли жорий йилнинг май ойиди арзонлаштирилган уннинг бир қоли 140-145 миңг сўм атрофида сотилиши тавсия этилганига қарамай, мазкур маҳсулот мамлакатимизнинг турли худудларида ўртача 270-290 миңг сўм атрофида сотиб келинган.

Жорий йил 1 июндан бошлаб 1-навли ун маҳсулотини “Ўздонмаҳсулот” АЖ корхоналари томонидан очик биржа савдоларида кўйилиши ва сотилиши бошланди. Бунда аввалги тизимдан фарқли равишда биржа савдолари шаффофлик ва бозор тамойиллари асосида ўтказилмоқда.

— Уттан даврда биржа савдолари ун бозориди барқарор ҳолат шаклланишини намўён эди, — дейди Республика товар-хонашэ биржаси матбуот хизмати раҳбари Ҳикматулло Тилабоев. — Унинг биржадаги нархи маҳсулотнинг бир тоннаси учун 4 668,9 миңг сўмдан 4 278,5 миңг сўмгача, яъни 8,4 фоизга пасайди. Сўнгги савдо кунларида биржада ун бўйича шакланган котировка унинг бошланғич нархи (4 224,9 миңг сўм)га нисбатан атиги 1,2 фоизга ўсган. Демакки, ун биржада деярли ўзининг бошланғич баҳосида сотилиб келинмоқда.

Нарх пасайишига бозорда таклиф юқори даражада сақланаётгани ижобий таъсир кўрсатмоқда. Маълумки, тасдиқланган жадвалга мувофиқ, жорий йил июнь ойиди жами 192 миңг тонна ун маҳсулотини биржа савдоларида кўйилиши белгиланган эди. Уттан даврда “Ўздонмаҳсулот” АЖ таркибиди 44 та корхона томонидан биржа савдолари

175,7 миңг тонна ун маҳсулотини кўйилди ва улардан 146,7 миңг тоннаси, яъни 83,5 фоиз хараид қилинди. Сотилмаган ун ҳажми 29 миңг тоннани ташкил қилди. Бу захира талаб ўсган пайтларда нархларни барқарорлаштириш мақсадида қўшимча ҳажм сифатида биржа савдоларига қайта кўйилади.

— Ун савдоларида биз ҳам фаол иштирок этиб келаямиз, — дейди брокер Тўлқин Турдиқулов. — Бошланишида талабнинг кўплиги нархнинг бироз ошишига олиб келди. Лекин ун ва макарон маҳсулотлари ҳажми ошиши нархни яна пасайтирди. Савдо жараёнлари шаффоф ўятапти. Биз авваллари Тошкент шаҳридаги 55 та нон ишлаб чиқарувчи корхонага хизмат кўрсатсак, кейинги пайтда уларнинг сони 81 тага кўпайди. Лекин муаммо йўқ. Энг муҳими, биржада истаганча ун маҳсулотлари бор ва нархи тобора пасайиб борапти.

1 июндан бошлаб биржага ғалла маҳсулотлари кўйилди. Бизнеснинг асосий мижозларимиз Тошкент вилояти фермер ва кластерлари ҳисобланади. Улар бу кунни қанчалик орзиқиб кутганини яхши биламиз. Шу боис, шаффоф, ҳолис ва малакали хизмат кўрсатиш учун яратилган барча имкониятлардан фойдаланиб, тарихий жараёнга тамал тоши кўйилади.

Савдоларнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида ун маҳсулотларини кунма-кун биржа савдоларида кўйилиш ҳажми ва унинг нархлари расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқ ва оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда эълон қилиб бориламоқда. Ғалла бўйича ҳам шундай тартибда ишлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мухтасар айтганда, мамлакатимиз ғаллалигини тарихиди эркин бозор муносабатларининг янги даври бошланади.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

АЭРОПОНИКА – ЭКИННИ ҲАВОГА ЭКИШ

ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОР УСУЛ

Очиқ далалар ёки иссиқхоналарда ҳосил етиштириш ўрнига қоронғи омборхоналарда ультрабинафша ёруғлик остида деҳқончилик қилиш усуллари — “гидропоника” ҳамда “аквапоника” тобора оммалашиб бормоқда. Буларнинг қаторига экинни тупроқсиз ёки бирор асос (субстрат)сиз ҳам етиштириш имконини берадиган “аэропоника” усули ҳам қўшилмоқда.

Сувни иқтисод қилиш баробарида ҳосил етиштиришни тезлаштирадиган мазкур усулда ўсимликларни тор, сунъий ёритилувчи хоналарда ҳам бемалол парварилаш мумкин. Яна бир афзаллиги, унчалик катта бўлмаган ёпик майдонда ўсимликлар етиштириш жараёнида ҳосил учун зарур бўлган ресурслар устидан аниқ назорат ўрнатилди.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида кишлоқ ҳўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баробар ошириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ҳужжатда экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баробар ва иссиқхоналарни 2 баробарга кўпайтириш орқали экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ доллариға ошириш лозимлиги ҳам қайд этилган.

Кўзланган мақсадларга етишимиз учун агрологистика марказларини ривожлантириш ва замонавий лабораториялар сонини кўпайтиришнинг аҳамияти катта. Уруғчилик ва кўчат етиштириш жараёнларида илмий асосланган лойиҳалар, янги технологияларни кўплаш ички бозорларни тўлдириб, экспорт географиясини кенгайтиришга йўл очади.

Анджон вилояти Кўрғонтепа туманида Нидерландия ва Перу давлатлари компаниялари ҳамкорлигида уруғлик картошка етиштириш бўйича инновацион лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳада 2 та асосий қисм — бир ярим гектарлик “аэропоника” усулидаги иссиқхона ва “ин-витро” лабораторияси мавжуд. Лабораторияда соматик гибридлаш усулида картошканинги янги нави яратилади.

Ўзбекистонга уруғлик картошканинги асосий етказиб берувчилари Қозғистон, Нидерландия ва Россия ҳисобланади. Логистика харажатлари ҳисобиға маҳсулот нархи ошиб кетиши ва бу умумий картошка етиштириш харажатларининг кўтарилишиға сабаб бўлади.

Лойиҳа орқали сифатли уруғ етиштирилиб, ҳосил даражаси кафолатланади. Ҳавода осилиб турган ўсимлик илдиэларига озиқ моддалар аэрозоль сифатида пуркалади, бу экиннинг яхши ривожланишиға хизмат қилиши баробарида вирус ва зарарли бактериялардан ҳимоя қилади. Мазкур усул сув ва электр энергиясини тежаш, шунингдек, ўсимликнинг соғломлигини назоратда ушлаб туриш имконини ҳам беради.

“Боги Фурқат” хусусий боғдорчилик ҳўжалигида амалга оширилаётган лойиҳа юқори ҳосилдорлик орқали озиқ-овқат хавфсизлигини кафолатлайди. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси кишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида соҳада ресурстежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни замонавий техникалар билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Узоқ муддатга мўлжалланган мазкур стратегия ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда инвестицияларни кенг жалб этиш, ишлаб чиқарувчиларнинг юқори даромад олишиға, маҳсулотлар рақобатдорлигини оширишға хизмат қилмоқда.

Бу каби имкониятлар қулай агробизнес муҳитини шакллантириш баробарида юқори қўшилган қиймат занжирини яратиши билан ҳам аҳамиятли.



— Ўсимликларнинг йирик генетик ресурсларини тирик ҳолда сақлаш, иқлимлаштириш ҳамда биотехнологиялар асосида етиштириш ва кўпайтиришнинг интенсив агротехнологияларини яратиб, ишлаб чиқаришға жорий этиш бугунги кун зарурати, — дейди лойиҳа раҳбари Тоҳиржон Аҳмедов. — Аслида, замонавий усулда картошка уруғи олиш мини тугунақлар етиштиришдан бошлаб, узоқ давом этувчи ва анча меҳнат талаб қиладиган жараён саналади. Дастлаб, “ин-витро” лабораториясида соғлом ва генетик тоза ўсимлик танланади. Кейин аэропоника тизимиди коронги камерада ўсимликдан уруғлик учун тугунақлар олинади. Ўсимликнинг поя қисми аэропон камера ташқарисида, ёруғликда бўлади. Ҳавода осилиб турувчи илдиэига озиқ моддалар арашлаша маълум вақт оралиғида автоматик тарзда пуркаб турилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, аънавий усулда уруғлик етиштиришда бир түп ўсимлик уч-тўрт ой давомиди 4 ёки 8 та кичик тугунақ бериши мумкин. Ҳосил бир мартада териб олинади. Янгича усулда эса хар бир түпдан 100 тагача мини тугунақ олас бўлади. Аммо барчаси териб олинмайди ва

“Боги Фурқат” ҳўжалигида 400 хилдан ортиқ узум, мевали ўсимликлар, клон пайвандтаглар, сабзавот, картошка ва дуккакли ўсимликларнинг хорижий генетик манбаларидан водий иқлиммига мос, юқори ҳосил берувчи, жаҳон бозориди рақобатдор тур ва навлари ажратиб олинаб, талабгорларға етказиб берилади.

— Аслида, картошканинги биологик маҳсулдорлик кўрсаткичи — бир гектардан 200 тоннагача уруғ, 400 тоннагача тайёр маҳсулот бериш қувватига эга, — дейди Т.Аҳмедов. — Биз мана шу имкониятлардан фойдалана олишимиз учун ҳам янги услублар ва технологияларни амалда қўллашимиз керак.

Шунданга сифатли маҳсулот етказиб бериш билан бир қаторда, нарх-наво ўсишини ҳам тўхтатиб тура оламиз. Интенсив технологияларни яратиш билан соҳада меҳнат унумдорлиги, шунингдек, сифат ва миқдор даражаси ортишиға эришилади. Картошка вирус кузга кўринмайди. Шундай экан, лаборатория ва аэропоника услубидаги иссиқхонанинги бир жойда экани тўлиқ стерил муҳитни яратишға имкон беради.

Маълумотларға қўра, хар йили уруғлик ва истеъмол учун 500-600 миңг тонна картошка катта маблаг ҳисобиға импорт қилинади. Лойиҳа орқали картошканинги элита ва супер элита уруғлигини экспорт қилиш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, импорт учун сарфланаётган маблаг тежаланади.

Ривожланган давлатларда картошкани 4-5-авлоддан уруғлик сифатида фойдаланилмайди. Чўнки 4-5 йил давомиди қайтадан экилаётган картошка уруғиди вирус ва бактериялар йиғилиши сабаб ҳосилдорлик ва сифат кўрсаткичи сезиларли даражада пасайиб кетади. Лойиҳа муаллифининг таъкидлашича, бугун юртимиз бозорларига импорт ҳисобиға кириб келаётган кўплаб уруғликларнинг авлоди маълум эмас. Лабораторияда ҳам буни аниқлаш қийин. Деҳқон-фермерларимиз мана шундай кафолатланмаган уруғни катта маблаг эвазига сотиб олади, маълум майдонда экиб, ҳосил олиш учун катта меҳнат қилади. Агар уруғлик сифати қутилганда бўлмас, шунча харакат йўққа чиқади. Демак, англаш мумкинки, аҳоли томорқалари ва фермер ҳўжалиқларига

сифатли кўчат ва уруғлик етказиб берадиган маҳаллий лабораторияларнинг аҳамияти катта.

Лойиҳада ўсимликнинг охириги соатларда шаклланган тўзималари қирқиб олинаб, тозаланади ва махсус стерил муҳитда кўпайтирилади. Натигада ўсимлик соғлом ўсади. Супер элита ниҳоллари аэропоникада экилиб, элита тугунақлар, улардан эса элита уруғлик олинади.

Аэропоника усулида етиштирилган вируссиз супер элита уруғлигини тайёрловчи ҳўжалиқлар ҳозирги пайтда минтақамизда мавжуд эмас. Шу сабаб қўшни давлатлар импортёр саналади. Европада бундай уруғнинг бир донаси бир евро. Фараз қилин: нўҳатдеққина келадиган уруғлигини фермер ҳўжалиқлари катта маблаг эвазига сотиб олади. Ўсимлик уруғининг авлоди ва парварилиши ҳақида эса кўп ҳолларда маълумотга эга бўлмайди. “Боги Фурқат” фермер ҳўжалиги келажаки кафолатланган уруғликни 500 сўмдан таклиф қилиш баробарида, алоҳида парварилаш бўйича маслаҳат ҳам бериб боради.

Қишлоқ ҳўжалиги энг кўп даромад келтирувчи тармоқлардан бири саналади. Дунё аҳолисининг 40 фоизи айнаш шу соҳа орқали тирикчилик қилишини ҳисобга олсак, соҳа кўплаб оилалар бандлигини таъминловчи асосий манбадир. Мазкур жиҳаға инвестиция қиритиш, янги технологияларни қўллаш орқали ер ва сувдан унумли фойдаланиб, ҳосил унумдорлигини ошириш — давр талаби. Талабнинг қондирилиши аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда, маҳаллий ва ташқи бозорларға маҳсулот етказиб бериш бўйича мамлакат имкониятларини ҳам кенгайтиради.

Феруза ЖўРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ОРЗУЛАРГА ҚАНОТ БЎЛГАН ЖАВОБ МАКТУБЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МАКТУБИМНИ ОЛИШНИ БИЛАРДИМ. У КИШИ БУГУН МЕНГА ЖАВОБ ХАТИДА ТЕЗРОҚ СОҒАЙИШИМИ ИСТАШИНИ АЙТИБДИ. МЕНГА ЭЛЕКТР САМОКАТ, ФУТБОЛ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИМ УЧУН КОПТОК ВА БОШҚА СПОРТ АНЖОМЛАРИ ЮБОРИБДИ. ФУТБОЛ КОПТОГИГА ЧЕМПИОН АКАЛАРИМ ДАСТХАТ ҚЎЙИБ БЕРДИ. МЕНГА ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ ХОДИМИ КИЙИМИ ВА ГУВОҲНОМАСИ БЕРИЛДИ. МЕН ЭНДИ ШУ СОҒА ХОДИМИМАН, ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИМ.



Бошлиқни 1-бетда

Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида даволанаётган ва марказдаги "Меҳрли мактаб"да таълим олаётган болалар Президентимизга мактуб йўллаган, унда ўзларининг қизиқишлари, орзу-интиллари ҳақида ёзганди. Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 17 июни кўни ушбу марказга ташриф буюрганида у ерда даволанаётган болаларнинг мактубларини олган, "Ҳаммасини ўқиб, албатта, жавоб ёзаман", деган эди.

Болаларнинг давлатимиз раҳбарига йўллаган мактуби жавобсиз қолмади. Жавоб хатлари ўз манзилларига етиб борди.

Хар бир болага алоҳида умид, хар бирининг орзу-истаклари қўллаб-қувватланган, уларга далда берилган бу жавоб номалари хасталик ҳориттан кўнгилларга қувонч, мамнулик бағишлади. Орзулар ушанди, ниятлар рўёбга чиқди. Соғайишга, яшашига ишонч ортди.

Марказда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов болаларга давлатимиз раҳбарининг жавоб мактубларини ҳамда совға-саломларини топширди.

— "Меҳрли мактаб"да ўқитувчимиз Президентимизга мактуб ёзишим мумкинлигини айтганида ҳайрон бўлдим. Президентга хат ёзиш мумкинми? Ҳа, мумкин. Мен Президентимизга барча орзуларим ҳақида айтаман, дея хат ёздим. Унда катта бўлганимда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими бўлишни исташимни, йўлларда тартибни сақлаш, фалокатларнинг олдини олиш, йўл ҳаракати қондаларига амал қилишига ҳисса қўшимини битдим, — дейди Дийербек Абдуқосимов. — Йўлда кетаётганимда бу соҳа ходимини кўриб, жуда ҳавас қилганман. Уларга ўхшаш орзум эканини ёзиб, йўл ҳаракати хизмати ходимининг расмини ҳам чиздим. Президентимиз мактубимни олишини

билардим. У киши бугун менга жавоб хатида тезроқ соғайишимни исташини айтибди. Менга электр самокат, футбол билан шугулланишим учун копток ва бошқа спорт анжонлари юборибди. Футбол коптогига чемпион акаларим



дастхат қўйиб берди. Менга йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими кийими ва гувоҳномаси берилди. Мен энди шу соҳа ходимиман, ишга қабул қилиндим.

Чиндан ҳам Дийербек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг фахрий аъзоллигига қабул қилинди ҳамда унга "Йўл посбони" гувоҳномаси топширилди.


Гематологик ва онкологик касалликлар билан узок муддат давомида стационар шариотда даволанаётган болаларга кафолатланган мактабга таълим-тарбия ҳамда умумий ўрта таълим бериш мақсадида "Меҳрли мактаб" давлат таълим муассасаси ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шу йил 16 май куниндан бошлаб фаолият юритаётган "Меҳрли мактаб"нинг асосий вазифаларидан бири — болаларни ҳаётга ижтимоий мослашишига, уларнинг мактабга таълим ташкилотлари ҳамда умумтаълим мактабларида таълимнинг давом этиришига кўмаклашиш. Муассасидаги "Меҳрли мактаб почтаси"да

болалар яқинларига мактуб йўллаш, орзу-умидлари, кўнгил кечинмалари ҳақида баён қилиши мумкин. Болаларнинг аксарияти Президентга хат ёзишни иштайди. Номаларда кўплаб мурғак юракларнинг орзу-умидлари баён этилади. Бу кўнгилларга тасалли беради.

— Президентимизга ёзган хатимда велосипед бўлишни орзу қилишим ҳақида ёзгандим, — дейди Саидқабар Ҳамидуллаев. — У киши мактубимни ўқиб, менга жавоб ёзибди ва ҳатто велосипед ҳам юборибди. Бу мени жуда қувонтирди, руҳимни кўтарди. Энди соғайиб кетишимга ишончим янада ошди.

Этибор ва ғамхўрлик инсон қалбига таянчдир. Айниқса, бемор болалар, фарзанднинг эртасидан ҳавотир ва ҳадик билан яшаётган ота-оналар кўнглига қувват бағишлаш, уларнинг дардига малҳам бўлиш, муаммосига чора топишга кўмаклашиш — инсонийликнинг олий кўриниши. Мамлакатимизда бу йўналишда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳам инсон кадрини улуглашга асосланган. Буни шифохонадаги хар бир бола ва ота-она миннатдорлигидан кўриш мумкин.

— Уғлим Хушнудбек 12 ёшда, — дейди Мохира Турсунова. — Қон касаллигининг оғир турига чалинган. Бу ерга келганимизда жуда тушун кайфиятда эдик. Болам салкам икки ойдан буюн даволаняпти. Шифохонада барча шарт-шароит яратилган, шифокорлар масъулият билан қараяпти, дори-дармон бепул, етарли. Уғлимнинг ҳозир аҳволи яхши. "Меҳрли мактаб"га қатнаяпти. У ерда ўқиш электронлаштирилган. Болам жуда мамнун бўлиб Президентимизга хат ёзди. Унда тезроқ соғайишимни исташимни, катта бўлганида шифокор бўлиб, ҳамма беморларни даволашимни, ҳозир дарс қилиши учун планшет кераклигини битди. Президентимиз яқинда шифохонага ташриф буюриб, барча болалар қатори уғлимга ҳам планшет



Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

“БУГУН ЮРТИМИЗДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ВА КАМОЛИ УЧУН БАРЧА ИМКОНЯТ САФАРБАР ЭТИЛГАН. АЙНИҚСА, ОҒИР ХАСТАЛИККА ЧАЛИНГАН ЎГИЛ-ҚИЗЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК УЛАРНИНГ ШИФО ТОПИБ, СОҒЛОМ ҲАЁТГА, ОИЛАСИ, ЯҚИНЛАРИ БАҒРИГА ҚАЙТИШИ, ЭРТАГА ЮРТ КОРИГА ЯРАЙДИГАН ФАРЗАНДЛАР БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИДА МУҲИМ ОМИЛДИР.

совға қилганида боши осмонга етди. Ёзган хатида жавоб мактуби ва бошқа совға-саломлар бугун қаддимизни янаям кўтарди. Барчаси учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдираман.

Президентимизнинг мактубларини топширишга бағишланган тадбирда Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига 2023/2024 ўқув йилидан эътиборан давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниши хушхабери етказилганида бемор Дилзода Саидхужаеванинг кўзида кувонч ёшлари порлади. Чунки у болалигидан дизайнер бўлишни орзу қилган, доим либосларнинг янгидан-янги нусхаларини яратиш бўйича изланаётган эди. Тўсатдан йўлиққан бу хасталик орзулари осмон қизини ганипти кўйди. Аввалига ҳаётга қизиқишнинг йўқотиб қўйган Дилзодага "Меҳрли мактаб"нинг малакали психолог ва ўқитувчилари кўмак бера бошлади. Барча орзуларига эришиш мумкинлиги тушунирилди. Аста-секин унда эртанги кунга умид йўғонди. Саломатлиги ҳам тиклана борди. Ҳозир аҳволи яхши. Президентимизга мактубида тезроқ тузалиб, шифохонадан чиқиш, дизайнер бўлиш энг катта орзуси экани, шу йўналишда таълим олишни исташини ёзди. Унга шу орзуси рўёби тақдим этилди. Дилзода энди талаба!

Бугун юртимизда болалар саломатлиги ва камоли учун барча имконият сафарбар этилган. Айниқса, оғир хасталикка чалинган ўғил-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик уларнинг шифо топиб, соғлом ҳаётга, оиласи, яқинлари бағрига қайтиши, эртага юрт қорига ярайдиган фарзандлар бўлиб вояга етишида муҳим омилдир.

— "Меҳрли мактаб" болаларимиз ҳаётида янгилик бўлди, — дейди таълим муассасаси директорининг ўқув ишлари бўйича уринбосари Дилфуза Турсунова. — Бу даргоҳ хаста болаларга давлатимиз кўрсатаётган меҳр, эътибор ва ғамхўрликнинг яқол ифодаси. "Меҳрли мактаб" орқали болаларимизнинг орзу-ҳаваси рўёбга чиқаяпти. Уларнинг давлатимиз раҳбарига ёзган бемор мактуби эътиборсиз қолдирилмади. Бугун номаларга жавоб мактублари келди. Болаларнинг орзулари ушалмоқда. Фарзандларимиз келгуси ҳаёти учун ўз олдига катта-катта мақсадлар қўймоқда. Тадбирда ўқувчиларнинг қувончи ва ота-оналар миннатдорлиги бизнинг қалбимизни ҳам қалқитди. Чунки бу болалар бизнинг ҳам фарзандимиз.

Жойларда ҳам муолажанингу муайян босқичини утаб, уйига қайтган болаларга давлатимиз раҳбарининг мактуби ҳамда совға-саломлари тантанали топширилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар замирида эртанги кунимиз давомчилари бўлган болаларнинг шифо топиб, тўлақонли ҳаёт тарзига қайтишидек олижаноб мақсад мужассам.

Рисолат МАДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ҲАМ ЎҚИШ, ҲАМ АМАЛИЁТ

ҚЎШМА ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ ТАЛАБАГА НИМА БЕРАДИ?

Алишер УСМОНҚУЛОВ, Жиззах политехника институтини ректори, техника фанлари доктори, профессор

Инсоннинг билим олиши, ўқиб-ўрганишига киритилган сармоя энг манфаатли инвестициядир. Боиси, арзон ва айна пайтда сифатли таълим олган болада ўқишнинг кейинги босқичларини давом эттиришга рағбат пайдо бўлади, келгусида ўз билимини бирор соҳа ривожига йўналтириш орқали мамлакат иқтисодиётига ҳисса қўшади.

Бугунги кунда юртимиз таълим тизимини янги шаклга ўтказиш, халқаро стандартларни жорий этиш, меҳнат бозори талабига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, олий таълим тизимини дунё стандартларига мослаштириш, халқаро рейтингларга киритиш, ўқув юртиларига қабул қилишда адолатли ва шаффоф тизимни ўрнатилишида катта ўзгаришлар кузатиляпти. Бу жараён Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижроси билан биргаликда фаол кечмоқда.

Аслида олий таълим малакали кадрлар тайёрлашининг энг муҳим тизимидир. Мазкур масканда талаба нафақат билим олади, балки бевосита амалиётга киришади. Ана шу босқичда соҳаси бўйича ишлаш кўникмасини эгаллаган ёшлар салкам мутахассисга айланиб,



иш жойига кадр сифатида боради. Бу мақсадларга эришишда олий ўқув юртиларида қўшма таълим дастурларининг йўлга қўйилиши, хорижий давлатларда амалиёт ўташ жараёнларининг кенг тус олиши, битирувчи талабаларнинг ишлаб чиқариш корхоналарида амалиёт ўташи яхши самара бермоқда.

Жорий йил 9-10 июнь кунлари Туркиянинг Измир шаҳрида бўлиб ўтган Туркия – Ўзбекистон олий таълим муассасаларини форумида ҳам икки мамлакат ўртасида техник ва муҳандислик соҳасида кадрлар тайёрлаш масаласида муҳокамалар олиб бордик. Мамла-

катимизнинг 20 дан ортқ олий таълим муассасаси мутасаддилари, тегишли вазирликларнинг масъул ходимларидан иборат делегациянинг форумдаги иштироки ҳамкорликнинг янги йўналишларини бошлаб берди.

Дастлабки кўник Туркиянинг Анadolу университети, Кайсар университети, Бартин университети сингари нуфузли олий таълим муассасалари билан келишувларга эришдик. Қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, машинасозлик, энергетика, кимё технологиялари каби қатор соҳаларда ҳамкорлик битимлари, меморандумлар имзоланди. Жиззах политехника

институтини ҳамда юқоридаги таълим даргоҳлари ўртасида кадрлар тайёрлаш бўйича келишувга эришилди.

Ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ўқитувчилар учун малака ошириш, талабалар алмашинувни йўлга қўйиш, ҳамкор олий ўқув юртиларидан ахборот-ресурс марказларининг ўзаро интеграциясини таъминлаш, кредит-модуль тизими бўйича фан дастурларини тақомиллаштириш, биргаликда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга қаратилган.

Туркия таълимидаги ўзига хослик нимада?

Форумнинг расмий учрашувларидан сўнг делегациямиз билан Туркия университети билан бўлиб, улардаги таълим жараёни билан танишдик. Очиғи, бу дийрнинг таълим тизими бизга кўп ҳам бегона эмас. Аммо соҳадаги замонавий тенденциялар жуда тез ўзгариб, янгиланмоқда. Шу боис, жараёнда ўзимиз учун кўплаб янгиликлар олдик.

Форум доирасида Ўзбекистон делегацияси Туркиянинг етакчи ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам бўлди. Олий ўқув юртиларининг энг иқтидорли талабалари мазкур корхоналарда амалиёт ўташ, ҳатто ишлаш имкониятига эга бўлади. Бу тажриба бизда ҳам омаллаштириб бораётгани бежиз эмас. Боиси, малакали кадрлар тайёрлаш жараёнида таълим ва амалиёт, илм-фан ва ишлаб чиқаришни уйғун олиб бориш ўз самарасини беради.

Қолаверса, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 2026 йилга қадар

10 та салоҳиятли олий таълим муассасасини QS ва THE халқаро рейтингларига кириши мақсадли тайёрлаш белгиланган. Бунда хориж олийгоҳлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, илгор тажрибаларни ўрганиб, амалиётга жорий этиш муҳим ўрин тутди.

Илмий изланиш амалиётга жорий этилса...

Таълим сифатини оширишда нафақат моддий-техник базани мустаҳкамлаш, балки юқори салоҳиятли ва рақобатбардор кадрларни меҳнат жамоасига жамлаш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Малакали ўқитувчи талабани тўғри йўналтириб, ҳам илмий, ҳам касбий фаолиятида унга яқиндан кўмаклашди. Иқтидорли талабаларни қўшма таълим дастурларига жалб қилди.

Бугун Жиззах вилоятидаги 5 та олий таълим муассасасида 400 дан зиёд илгит-қиз қўшма таълим дастурларида иштирок этмоқда. Жиззах политехника институтини асосан 4 йўналиш — транспорт ва логистика, қурилиш, энергетика ҳамда саноат технологияси бўйича кадрлар тайёрлаб келади. Бу ерда бир нечта хорижий ОТМлар билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари ташкил этилган бўлиб, талаба 2 йил ўзимизда, кейинги 2 йил эса чет эл университетиде таҳсил олади. Худди шу форматда Москва давлат қурилиш университети, Москва энергетика институти, Иваново давлат кимё-технология университети, Қозон Федерал университети билан ҳамкорлик шартномаларини имзоланган. Хар икки томоннинг таълим имкониятларини уйғунлаштираётган қўшма дастурлар асосида биргаликда юқори малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Шунингдек, 2008 йилдан бошлаб хорижий донор ташкилотларнинг халқаро лойиҳаларида фаол иштирок этиб келамиз. Айниқса, охири йилларда халқаро ҳамкорлик кўлами жадал кенгаймоқда. Хусусан, 2017 йилда Германия давлатидан

"Ўзбекистоннинг аҳоли яшайдиган худудларида иқлим ўзгаришига мослашув" номили грант лойиҳаси доирасида замонавий кўёш панеллари ва лаборатория ускуналари олиб келинди.

2019-2021 йилларда Европа Иттифоқининг халқаро Эрасмус+ дастури доирасида институтда магистратура дастури очилиб, замонавий лаборатория ускуналари харид қилинди. Ана шу дастур асосида 2021–2027 йилларга мўлжалланган талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви ҳам ташкиллаштирилмоқда. Яна бир халқаро лойиҳа — "REILEAP" доирасида эса ҳозир институтимизнинг 11 нафар профессор-ўқитувчиси Туркиянинг Эгей университетиде малака оширмоқда.

Умуман, таълим тизимидаги бугунги янгиланишлар, илмий фаолиятга очилган кенг имкониятлар ёшларни янада изланишга ундамоқда. Талабаларнинг илмий фаолиятга қизиқиши, иштиёқи ортиб борапти. Масалан, Жиззах политехника институти талабаси Зиедбабону Муллажонованинг "Пурин ва пиримидин асосларининг госсиполи ҳосилаларини олиш" мавзусидаги илмий изланиши бўғдой ҳосилдорлигини оширишга қаратилган бўлиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзига хос янгилик бўлиши қутиломоқда. Ҳозиргача олинган илк натижалар ҳам ёмон эмас. Биргина 40-50 та дон туққан бошқода бўғдой усилмида олиб борилган тадқиқотлардан сўнг ҳосилдорлик 60-70 тага етгани кузатилади. Зиедбабонунинг мавзудеги тадқиқоти билан "Мирзо Улуғбек ворислари" республика кўрик-танловининг финал босқичида голибликни кўлга киритди.

Институтда ана шундай иқтидорли ёшлар талайгина. Ўқийман, изланман, янгилик яратман, деган йигит-қизлар ўз устиде тинимсиз ишламоқда. Хориж университетларида ўқишни давом эттириб, тажриба ошириш имконияти эса уларнинг илм йўлидаги интилишларини янада рағбатлантиряпти.

МИННАТДОРЛИК



НИЯТЛАРИМ РЎЁБГА ЧИҚҚАН КУН

Лазизбек РАЖАББОВ,
Қорақўл туманидаги халқаро
математика мактаби
ўқувчиси, "Мард ўғлон"
давлат мукофоти соҳиби



Бухоро вилоятининг энг чека ҳудуди ҳисобланган Қорақўл туманида дунёга келганман. Дарғали қишлоқнинг ёзда чанг, қишда лой кўчаларида ўтган болалигимни эсласам, кўз ўнгимга бобом келади. У киши бир умр қишлоғимизга ичмлик сув келишини, кўчаларимиз обод бўлишини орзу қиларди. Мен эса ҳали катта бўлсам, ўқимли одам бўламан, дердим.

Ушанда мен қишлоғимизга газ, сув келтириш, чирокис йўллarga симёқлар ўрнатиб, ҳамма ёқни ёруғ қилсам, бобом ва қишлоқ одамлари хурсанд бўлади, мени мақтайди, деб ҳаёл сурардим. Онам болалик ҳаёларимни бузиб, "Агар ҳозирданок ўқимасанг, ҳеч ким бўлмайсан. Уқи, тезроқ одам бўл", дерди.

Президентимизнинг саъй-ҳаракати билан менинг болалик орзуларимга қўшилиб, бутун қорақўлликларнинг ҳам асрий ниёти амалга ошди. Туманимизга ичмлик сув келди. Кўчаларимиз ёруғ ва обод бўлди. Нега мен кунги кеча олган мукофотим ҳақида эмас, қишлоғим ва унинг одамлари ҳақида айтияман? Чунки болалиқдаги орзуларим, юрагимдаги ниётларим ҳам Президентимиз туйғайли рўёбга чиқди.

Ҳозир ҳаяжондан сўзларим чалқашяпти. Ахир мен "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирландим. Бунинг қанчалар завқли, шавқли эканини тазрифлашга ожизман. Ютуқлар шунчаки қўлга

олимпиадаларда иштирок этдим. Ўтган йили жуда кўплаб ютуқларга эришдим. Жумладан, 8-12 январь кунлари Қозғистонда ўтказилган Жаутиков халқаро онлайн олимпиадасида қатнашиб, бронза медални, Индонезияда бўлиб ўтган халқаро олимпиадада яққа тартибда ва жамоавий кумуш медалларни қўлга киритдим. Шунингдек, Эронда ташкил этилган геометрия онлайн олимпиадасида кумуш медаль соҳиби бўлдим. Бу йил февралда Жаутиков халқаро онлайн олимпиадасида кумуш медалга сазовор бўлгандим. Эндиги мақсадим — шу йилнинг 8-16 июль кунлари Норвегияда математика фанидан ўтказилаётган халқаро олимпиадада байроқимизни баланд кўтариб, юртимиз ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини бутун дунёга яна бир бор намоён этиш!

Арзимас ютуқларим юксак баҳолиноб, "Мард ўғлон" давлат мукофотиغا муносиб қўрилганим ҳаётимдаги хурсандликлар-



киритилмайди. Бунинг учун кўп ўрганиш, ўқиш керак. Болалигимдан математика фанига қизиқишим кучли эди. 2016 йили Қорақўл туманидаги халқаро математика мактабига қабул қилиндим. У ерда устозларим мендан билимни аямади. Улар берган таълим-тарбия сабаб онгу шуури янада ёришиб, билимим орди.

Уқиб давомда математика фанидан республика ва халқаро миқёсдаги

нинг ажойиб дебоси бўлди. Бу мукофот менга ишонч бағишлади. Зиммамга маъсулият юклатди. Ёшлар кунда мен каби мукофотланган, қалби шодлиққа, кўчғи гулга тўлган бахтиёр тенқурларим номидан давлатимиз раҳбарига чексиз миннатдорлик билдираман. Мукофотнинг залворини юракдан ҳис қилган ҳолда, юртимиз шарофтини ўз билимим, куч-ғайратим билан янада оширишга ҳаракат қиламан.

ВАТАНГА ХИЗМАТ, ФИДОЙИЛИК ДОИМ ҚАДРЛАНАДИ

Бошланғич 1-бетда

ТАШАББУСКОР ЁШЛАР САФИ КЕНГАЙЯПТИ

Шабнам АДҲАМБЕКОВА,
Сўх туманидаги "Happy kids academy" нодавлат
мактабгача таълим ташкилоти раҳбари,
"Келажак бунёдкори" медали соҳиби



Президентимиз фармонига биноан, "Келажак бунёдкори" медали билан мукофотланганим тўғрисидаги хабар нафақат менинг, балки олис Сўхдаги ёшлар, хотин-қизлар қалбига бир олам шодлик олиб кирди. Сабаби, оддий қишлоқ аёлнинг меҳнати бу қадар эътироф этилгани, қадрланганининг ўзи катта гап.

Авалло, давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори туйғайли туманимизда аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида қилинаётган ишлар, яратилаётган шароит ва имкониятлар ҳақида ҳар қанча гапирсак ҳам камлик қилади. Обод маҳаллалар, замонавий мактаб ва мактабгача таълим муассасалари қуриш, таъмирлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш, инфратузилмани яхшилаш борасидаги улғувор саъй-ҳаракатлар туманимиз ҳаёт тарзида ўзига хос ўзгариш ва янгиликлар

ясяпти. Бунёдкорлик ва янгиликларни ҳудудимизда яшаётган ҳар бир киши ўз турмуш тарзи, ҳаёти мисолида ҳис қиляпти.

Қўлаги кенг испоҳотлар менинг ҳаётимда ҳам ўчмас из қолдирапти. Биз яшайдиган Девайрон қишлоғи туман марказидан 15 қақрим олида жойлашган. Ҳудудимизда битта эски мактабгача таълим муассасаси бўлгани учун 3-7 ёшли болаларни мактабгача таълимнинг бошланғич бўғинига қамраб олишда ўзига яраша қийинчиликлар бор эди. Шунинг учун ақсарият болалар уйда ўтирарди.

Фарғона давлат университетидида инглиз тили мутахассислиги бўйича ўқиб, 2018 йили қишлоғимиздаги 17-мактабда иш бошладим. Президентимизнинг 2020 йил 8 августдаги "2020-2021 йилларда Фарғона вилоятининг Сўх туманини комплекс

учун 30 миллион сўм имтиёзли кредит олдим. Ўттиз бола таълимнинг бошланғич бўғинига жалб этилди, тўртта янги иш ўрни яратилди.

Муассасамизда инглиз, рус тиллари ҳам ўргатилади. Ҳозир фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида қўшимча бино қуряпмиз. Натижада яна 50 кичкинтойни мактабгача таълимга жалб этиш ва қўшимча 8 та иш ўрни очилиши мумкин бўлади.

Қўвонарлиси, берилган имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланиб ишлаётган ташаббускор ёшлар сафи кундан-кунга кенгаймоқда. Ўтган қисқа даврда туманимизда 40 та янги нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилгани олис туманда болаларга чуқур таълим-тарбия бериш йўлидаги испоҳотларнинг буй-бастини қўрсапти турибди.

Мен ўз мақсадларимни амалга оширяпман. Бу қамтарона меҳнатим Президентимиз томонидан юксак баҳолашиб, "Келажак бунёдкори" медали билан тақдирланганимдан руҳланим, куч-қувват олдим. Бу янги марра, мақсадлар сари даъват этмоқда.

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарориди мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, моддий-техник базасини ривожлантириш ишларига алоҳида эътибор қаратилгани мени руҳлантирди. Оила аъзоларим билан маслаҳатлашиб, "Happy kids academy" нодавлат мактабгача таълим ташкилотини очдим. Бунинг

МИЛЛИЙЛИГИМИЗ, ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЯШАЙДИ

Ислом УМРЗОҚОВ,
Тошкент шаҳридаги "Ёш мақомчилар"
ансамбли бадий раҳбари,
"Келажак бунёдкори" медали соҳиби



Кейинги йилларда мамлакатимиз ёшлари учун мисли қўрилмаган имтиёзлар, имкониятлар яратилди. Санъат соҳасида ютуқларга эришишда ҳам бу ўз самарасини бермоқда. Айниқса, дунёга донги кетган миллий мақом санъатини усталарнинг муносиб издошларини тарбиялаш маъсулияти бу борадаги эзгу ишларни янада жонлантирди.

Ана шундай хайирли саъй-ҳаракатлар маҳаллалардаги ёшлар етакчилари фаолиятида ҳам намоён бўлаётган. Улар ўзларига бириктирилган маҳаллаларда соғлом турмуш тарзи ва спортни омдалаштириш баробарида маданият ва санъатни ҳам кенг тарғиб қилаётгани санъатимизнинг жойлардаги умидли вакиллари кишига эътибор ва ишонч билан муносабат қилиши аниқ айтиш мумкин. "Ёш мақомчилар" кўрик-танлови, мақом, бахшичилик ва эстрада бўйича "Ёшлар овози", "Ёш мусаввирлар" танловлари ҳамда "Камалак юлдўзлари" болалар ижодиёт фестивали каби тадбирларнинг ёшлар ҳаётидаги аҳамияти беқеъс.

Энди ҳар икки йилда бир марта ёш мақом ижрочилигининг республика кўрик-танлови ўтказилади. Бундан кўнланган асосий мақсад ёшларнинг мумтоз санъатимизга муҳаббатини ошириш, мусиқанинг ушбу мураккаб йўналишини бўйича ижод қилаётган ўғил-қизларнинг

фаолиятини ўрганиш, таҳлил этиш, истеъод соҳибларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборат.

Мақом санъатига умид билан кириб келган ёшлар вакили сифатида шунга айтиш мумкин, фаолиятимизнинг авж палласи мақомга эътибор юксалган пайтларга тўғри келди. Бу ҳақда устозларимиз ҳам кўп гапиради. Тошкент шаҳридаги "Ёш мақомчилар" ансамблига раҳбарлик қилиб келаётганимга кўл бўлмади. Қисқа вақтда қўбиллатили ва истеъодли ёш санъаткорлардан таркиб топган жамоамиз билан қатор натижаларга эришиш, ютуқларни қўлга киритиш. Буларнинг барчаси юртимизда санъатга, ёшларга берилаётган юксак эътибор туйғайлидир.

Яқин келажақда бундан-да юқори салоҳияти билан бутун дунёга ўзбек мақомчилиги санъатининг ўзига хослигини намоён этамиз.

КЎКСИМИЗДАГИ МУКОФОТ, АВАЛЛО, МАСЪУЛИЯТДИР

Фирдавс НЕЪМАТЗОДА,
Инновацион ривожланиш вазирлигининг Ёшлар
академияси фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси
бошлиғи, "Келажак бунёдкори" медали соҳиби



Бугун мен учун унутилмас, шу билан бирга, ниҳоятда ҳаяжонли кун. Давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан, "Келажак бунёдкори" давлат мукофотига лойиқ қўрилиб, Ёшлар кунда қўллаб-қувватлаш йиғити қўллаб-қувватлаш ва атрофидошиларини иш билан таъминлаётган, яхши даромад топиш билан бирга, янги ташаббус қўрсаётган ёшлар сафи кенгайиб борапти.

Бундан 6-7 йил олдин юртимизда IT, стартап, деган тушунчалар деярли йўқ эди. Ёшларнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлайдиган, маблаг ажратиб, гоъяларни ихтироларга айлантирадиган танловлар ҳам бўлмади. Узим ҳам стартап билан шуғулланган кезларим лойиҳамни қаерга олиб боришини

Ёш бўлишимга қарамай, ҳаммаша интиладиغان, илим олимдан тўхтамайдиغان, янгилик яратиш иштиёқидидаги йигит-қизлар билан ишлашдан завқланаман. Айниқса, танлаган соҳасини пухта эгаллаб, ўзи ва атрофидошиларини иш билан таъминлаётган, яхши даромад топиш билан бирга, янги ташаббус қўрсаётган ёшлар сафи кенгайиб борапти.

Бундан 6-7 йил олдин юртимизда IT, стартап, деган тушунчалар деярли йўқ эди. Ёшларнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлайдиган, маблаг ажратиб, гоъяларни ихтироларга айлантирадиган танловлар ҳам бўлмади. Узим ҳам стартап билан шуғулланган кезларим лойиҳамни қаерга олиб боришини

билмай, бошим кўп қотган. Мана бугун мияси гоъяга тўла, илим йўлида изланаётган ёшларнинг лойиҳасини амалга ошириши учун барча шароит мажбу.

Мамлакатимизда илмий стартап лойиҳаларини соддаштирилган тизим орқали молиялаштириш механизми йўлга қўйилган. Истиқболли лойиҳалар учун давлат бюджетдан 1 миллиард сўмгача маблаг ажратилапти. Бу катта имконият. Натижада юртимизнинг барча ҳудуди, ҳатто энг чека қишлоқларда ҳам ёшларнинг илм-фанга, замонавий соҳаларга қизиқиши тобора ортиб борапти. Турли марказлар, ташкилотлар қошида бундай иқтидор эгалларини бирлаштириб, гоъяларини қўллаб-қувватлайдиган гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Президентимиз қарори билан 2019 йили Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Ёшлар академияси иқтидорли ва ташаббускор, инновацион гоъяга эга,

стартапчи ёшлар учун ана шундай имкониятлар майдонига айланди.

Айни пайтда академиянинг икки мингдан ортиқ аъзоси бор. Улар геология, математика, физика, қишлоқ хўжалиги, кимё саноати, соғлиқни сақлаш, таълим, сунъий интелект, дастурлаш, 3D моделлаштириш ва бошқа йўналишларда ўз лойиҳаларини рўёбга чиқаришмоқда. Аъзолар орасида инновацион ва амалий ишланмаларини ҳаётга татбиқ этиб, муайян соҳа ривожига ҳисса қўшаётганлар кўпчилигини ташкил этади. Улар ишлаб чиққан қўллаб-қувватлаш ҳаётимизга кенг жорий этилмоқда. Хусусан, айни пайтда турли соҳаларда қўлланаётган, тўғма қўлсиз ва ҳаёти давомида қўли ампутиацияга учраган охирилар учун буюмлар протезлар, шунингдек, қийим, ўйинчоқ ва уй-рузгор буюмларидида бактерия ва ёқимсиз хилли бағрафарғ этишга мўлжалланган "CleanBox" қурилмаси, маиший чиқиндиллар асосида сунъий углеродлаштирилган материал олиш ускунаси ва бошқа иختиролар Ёшлар академияси аъзоларининг хизмати маҳсули.

Узим ҳам йигирмага яқин инновацион ишланмалар билан турли халқаро ва маҳаллий танловларда иштирок этяпман. Жараёнда жаҳон тажрибасини кузатиб амал бўлганлиги, камдан-кам давлатларда ёшларга бу қадар кенг имконият берилиб, лойиҳалари қўллаб-қувватланади. Биз бу шароитлардан тўғри ва унумли фойдаланиб, ўз иштирокимиз, илм ва меҳнатимиз билан муносиб бўлишимиз керак. Шахсан ўзим менга билдирилган юксак ишончнинг юртимиз равангига муносиб ҳисса қўлиш орқали оқлашни мақсад қилганман.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти ДУК
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Тажриятга келган қўлғазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун бўнани расмиёлаштирилган ташкилот жавобдор.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфдик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-764.
82285 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Offset усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона мазли: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи муҳаррир: Улуғбек Асқоров
Мусаҳҳиб: Умар Қодиров
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Ўза яқини — 02:45
Топширилди — 04:45